

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**НАСРУЛЛАЕВ АЗИЗБЕК ОЗОДОВИЧ**

**2,3-ТРИ, -ТЕТРАМЕТИЛЕН-3,4-ДИГИДРОХИНАЗОЛИН-4-ТИОНЛАРНИНГ  
КИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ**

**02.00.03-Органик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
chemical sciences**

**Насруллаев Азизбек Озодович**

2,3-Три, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларнинг  
кимёвий ўзгаришлари ..... 3

**Насруллаев Азизбек Озодович**

Химические превращения 2,3-три, -тетраметилен-3,4-  
дигидрохиназолин-4-тионов ..... 23

**Nasrullayev Azizbek**

Chemical transformations of 2,3-tri, -tetramethylene-3,4-  
dihydroquinazoline-4-thiones ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**НАСРУЛЛАЕВ АЗИЗБЕК ОЗОДОВИЧ**

**2,3-ТРИ, -ТЕТРАМЕТИЛЕН-3,4-ДИГИДРОХИНАЗОЛИН-4-ТИОНЛАРНИНГ  
КИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ**

**02.00.03-Органик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/К33 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.ik-kimyo.nuuz.uz](http://www.ik-kimyo.nuuz.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Элмурадov Бурхон Жўраевич**  
кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Абдугофуров Ибрагимджан Азизович**  
кимё фанлари доктори

**Зоҳидов Қосим Оқилович**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент фармацевтика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc27.06.2017.К.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «23» октябр соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail:chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «8» октябр куни тарқатилди.

(2018 йил «6» октябрдаги 22 рақамли реестр баённомаси).

**Х.Т. Шарипов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.ф.д., профессор

**Д.А. Гафурова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.д.

**А. К. Абдушукуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда табиий ва синтетик гетероциклик бирикмалар халқ хўжалигининг турли соҳаларида кўлланилиб келинаётган кўпгина препаратларнинг асоси ҳисобланади. Мана шундай бирикмалар қаторига хиназолин алкалоидлари, уларнинг аналоглари ва ҳосилаларини киритишимиз мумкин. Сўнгги йиллардаги жаҳонда органик кимё соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси таҳлили молекуласида хиназолин ҳалқасини сақлаган гетероциклик бирикмалар орасида турли фармакологик фаол препаратлар кўпайиб бораётганини кўрсатади.

Бугунги кунда жаҳонда муҳим масалалардан бири хиназолин алкалоидлари, уларнинг аналоглари ва ҳосилаларининг карбонил ва тиокарбонил гуруҳларини реакциялар йўналишига таъсирини, уларнинг электрофил ва нуклеофил реагентлар билан ҳосил қилган маҳсулотларининг тузилишини аниқлаш ва истиқболли моддаларни мақсадли синтез қилиш ҳамда улар асосида самарали биологик фаол препаратлар яратишдан иборат. Жумладан трициклик хиназолин-4-онларнинг янги ҳосилаларини замонавий органик синтез усуллари ёрдамида олиш, биологик фаолликларини аниқлаш ва улар асосида фармакологик фаолликка эга бўлган дори воситаларини яратиш тез суръатларда ривожланиб бормоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар асосида дори воситаларини яратишни ривожлантириш йўналишида илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва фармацевтика бозорини сифатли дори воситалари билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва натижада рақобатбардош препаратларни ҳам табиий хомашёлар ҳам органик синтез маҳсулотлари асосида яратиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, трициклик хиназолин алкалоидлари ва уларнинг тиоаналогларини муқобил синтези, тузилиши ва реакцион қобилиятини ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, ҳамда таркибида янги фармакофор гуруҳлар ва фрагментлар бўлган биологик фаол моддаларни яратишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони ва 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2831-сон «Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида лойиҳа ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. Тиббиёт ва фармакология, VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Трициклик хиназолин алкалоидларини ўрганиш деярли 100 йилдан бери доимий ўрганиб келинмоқда. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бу синф алкалоидлари асосидаги изланишлар жадал олиб борилмоқда. Хусусан, хорижлик олимлар – A.Saeed, K.-H. Lee, J. P. Michael, B. Mhaske, N.P. Argade, D. Seidel, Atta-ur-Rahman, J. A. Lambertson, W. R. Bowman, M. V. Rao, H. Fujioka, A. Kamal, K.L. Reddy, K. L. Dhar, M. Kurimoto, A. Cagir, Э.Э. Шульц, С.М. Адекенов ва бошқалар хиназолин алкалоидларини ўсимликлардан ажратиш ва уларнинг турли ҳосилаларини синтези, модификацияси ҳамда биологик фаолликларини ўрганиш билан шуғулланган. Республикада мазкур йўналиш ривожига С.Ю. Юнусов, Х.М. Шахидоятлов, Ч.Ш. Кадыров, М.В. Тележенецкая, Э.Орипов, Н.Д. Абдуллаев, Б.Ж. Элмурадов, Т.С. Туляганов, Х.Н. Хашимов, А. Ирисбаев, Б. Ташходжаев, М.Г. Левкович, Л.В. Молчанов, Г.В. Мусаева, Н.И. Мукаррамов, А.Ш. Абдуразақов ва бошқалар ўзларининг изланишлари асосида хиназолин алкалоидларини ўсимликларда тарқалиши, уларни аналоглари ва ҳосилаларини синтези, кимёвий ўзгаришлари ва тузилишини ҳамда биологик фаоллигини аниқлаш муаммоларини ҳал этишга катта ҳисса қўшган.

Ушбу изланишларга қадар адабиётларда фақат карбонил гуруҳи тутган би- ва трициклик хиназолин-4-онларнинг электрофил ва нуклеофил реагентлар билан реакциялари ўрганилган. Лекин, 2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларнинг кимёвий ўзгаришлари ва биологик фаолликлари тўғрисида маълумотлар адабиётларда келтирилмаган. Шунинг учун, карбонил ва тиокарбонил гуруҳларининг электрофил ва нуклеофил реагентлар билан реакцияларида қиёсий реакцион қобилиятини ва маҳсулотлар тузилишини аниқлаш, истиқболли моддаларнинг мақсадли синтезини амалга ошириш янги ва самарали биологик фаол бирикмалар яратиш нуқтаи-назаридан мақсадга мувофиқдир.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-10-151 «Маҳаллий хом-ашё асосида ошқозон-ичак йўли касалликларини даволаш учун юқори самарали воситаларни яратиш» (2006-2008 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** 2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларни янги ҳосилаларининг синтез усулларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларнинг синтезини муқобил шароитларини яратиш ҳамда уларни нитролаш, бромлаш ва Вильсмейер-Хаак реагенти билан формиллаш реакцияларини ўтказиш;

$\alpha$ -гидроксиметилиден-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионнинг тионил хлорид иштирокида турли шароитларда нуклеофил алмашилиш реакцияларини олиб бориш;

$\alpha$ -хлорметилиден-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тион ва натрий гидроселениддан  $\alpha$ -гидроселенилметилиден-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионни синтез қилиш ҳамда уни алкиллаш ва ациллаш реакцияларини ўтказиш;

2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларни ароматик альдегидлар билан реакциясини кислотали ва ишқорий шароитда ўтказиш;

2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларни гидразин гидрат билан реакцияси ёрдамида 4-гидразоно-ҳосилаларни синтез қилиш ва уларни карбонил бирикмалар билан ўзаро таъсирини амалга ошириш;

синтез қилинган бирикмалар орасидан биологик фаол моддалар излаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-онлар ва 2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионлар, алмашинган хиназолинлар ва уларни янги ҳосилалари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** 2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионлар, уларни кислородли аналоглари ва ҳосилаларининг электрофил ва нуклеофил реагентлар билан таъсирланишларидан олинган  $\alpha$ -арилиден(фурфурилиден-2)-,  $\alpha$ -арил-, -гидроксиметил-ҳосилалар, пербромидлар, гидробромидлар, бромли комплекслар,  $\alpha$ -гидрокси-, -хлорметилиден-, -гидроселенилметилиден-2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионлар, 4-гидразоно-хиназолинлар ва уларнинг карбонил бирикмалар билан маҳсулотларини олишнинг шароитлари, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Нозик органик синтез усуллари, ИҚ-,  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), хроматография (юпқа қатламли хроматография (ЮҚХ) ва колонкали) ва биологик тадқиқот усуллари.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилigi:**

илк бор 2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларнинг электрофил ва нуклеофил реагентлар билан реакциялари амалга оширилган ҳамда жараёнларнинг боришига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланган;

2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-онлар ва -тионларнинг ароматик альдегидлар билан ишқорий ва кислотали муҳитда таъсирлашганда реакция шароити ҳамда альдегидлар тузилишига қараб  $\alpha$ -арилиден- ёки  $\alpha$ -арил-, -гидроксиметилҳосилалар ҳосил бўлиши аниқланган;

2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларни нитролаш ва формиллаш реакциялари хиназолин-4-онлардан фарқли равишда, тиокарбонил гуруҳининг карбонил гуруҳигача оксидланиши ва енол шаклдаги изомер маҳсулот -  $\alpha$ -гидроксиметилиден-2,3-тетраметилен-3,4-

дигидрохиназолин-4-тион ҳосил бўлиши билан кетиши исботланган;

илк бор 2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларнинг молекуляр бром ва гидразин гидрат билан реакцияларидан пербромидлар ва муҳим синтонлар - (*E*)-4-гидразоно-хиназолинлар синтез қилинган;

илк бор  $\alpha$ -хлорметилен-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионнинг натрий гидроселенид билан реакцияси ёрдамида таркибида селен атоми сақлаган  $\alpha$ -гидроселенилметилен-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тион синтез қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионлардан  $\alpha$ -арилиден- ва  $\alpha$ -арил-, -гидроксиметилҳосилалар синтез қилишнинг самарали усуллари яратилган;

муҳим синтонлар - (*E*)-4-гидразоно-2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолинлар олишнинг янги усуллари яратилган;

юқори реакцион фаолликка эга  $\alpha$ -гидроксиметилен-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионни синтез қилишнинг самарали усули топилган;

янги гетероциклик бирикмалар олишда муҳим билдинг-блок вазифасини бажарувчи гидразонлар синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

олиб борилган тадқиқотлар натижасида самарали ўстирувчилик ва микробларга қарши фаолликка эга бўлган моддалар борлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий ИҚ-,  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), хроматографик (ЮҚХ, колонкали), биологик ва бошқа тадқиқот усулларида олинган натижалар асосида ишончли тарзда таҳлил қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор систематик тарзда 2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларнинг электрофил ва нуклеофил реагентлар билан реакциялари олиб борилган ва жараёнларнинг боришига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, синтез қилинган бирикмалар орасида ўстирувчилик ва микробларга қарши фаолликка эга моддалар борлиги аниқланган. Олинган  $\alpha$ -арилиден-,  $\alpha$ -арил-, -гидроксиметил-,  $\alpha$ -гидрокси-,  $\alpha$ -хлор-,  $\alpha$ -гидроселенилметилен-2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионлар, пербромидларнинг ва (*E*)-4-гидразоно-хиназолинларни синтез усуллари яратилган. (*E*)-4-Гидразоно-ҳосилаларни карбонил бирикмалар билан таъсирдан янги гетероциклик бирикмалар синтезида синтон бўлиб ишлатиладиган гидразонлар синтези йўлга қўйилган. Тадқиқотлар натижасида 52 та бирикма синтез қилинган, улардан 42 таси янги ҳисобланади.

**Тадқиқотларнинг жорий қилиниши.** Трициклик хиназолин-4-онлар ва –тионларнинг самарали синтез усуллари, модификациясини ва биологик хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

6-(4-нитробензилиден)-6,7,8,9-тетрагидро-11Н-пиридо[2,1-*b*]хиназолин-11-тион, 6,7,8,9-тетрагидро-11Н-пиридо[2,1-*b*]хиназолин-11-тион, 6,7,8,9,10,12-гексагидроазепино[2,1-*b*]хиназолин-12-тион, 2,3-дигидропирроло[2,1-*b*]



хиназолин-9(1H)-тион, 9-гидразино-1,2,3,9-тетрагидропирроло[2,1-*b*]хиназолинларнинг рентген тузилиш таҳлили натижалари Кембридж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (The Cambridge Structural Database, CCDC, 1402646, 1482606, 1482607, 886969, 1819031). Натижада базага киритилган янги бирикмалар ўхшаш моддаларни тузилишини аниқлаш имконини берган;

трициклик хиназолин-4-тионларнинг олиниш усуллари ва реакцияларидан 31110103908 рақамли лойиҳада хиназолиннинг янги ҳосилаларини синтез қилишда фойдаланилган (Синцзьян физика ва кимё техника институти маълумотномаси, Хитой Халқ Республикаси). Натижада янги синтетик бирикмалар молекуласига тиокарбонил гуруҳи киритиш усуллари яратилган ва бунинг натижасида олинган моддаларнинг микробларга қарши фаоллигини ошириш имконини берган;

хиназолин қатори алкалоидлари синтези ва биологик фаолликлари бўйича тадқиқот натижалари асосида олий таълим муассасаларининг кимё таълим йўналиши бўйича «Биоорганик кимё» номли ўқув қўлланмасида ўз ифодасини топган (392-18 рақамли гувоҳнома). Натижада таълим жараёнида машғулотлар мазмунини такомиллаштиришга, ўқув дастурларини тайёрлаш ҳамда фанни ўқитишда таълим самарадорлигини ошириш имконини берган;

2,3-полиметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларни модификацияси ФА-Ф3-Т047 рақамли «Алкалоидлар ва уларнинг синтетик аналоглари қаторида янги С-С- боғларини ҳосил бўлиш усуллариининг назарий асослари» ва ФА-Ф7-Т207 рақамли «Биологик фаол гетероциклик бирикмалар молекуласида асимметрик марказ ҳосил қилишнинг назарий муаммолари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаларда янги алкалоид ҳосилалар ва биологик фаол моддаларни синтез қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг 2018 йил 22 майдаги 4/1255-1330-сон маълумотномаси). Натижада биологик фаол гетероциклик бирикмалар молекуласида янги С-С боғлари ва асимметрик марказ ҳосил қилишнинг самарали усуллари яратиш имконини берган;

хиназолин-4-тионларнинг синтез усуллари КА-9-002 рақамли «Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва паррандачиликда қўллаш учун юқори самарали маҳаллий антигельминт препарат Хиназол ва Госсипрен озуқа концентратини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳада антигельминт препарат яратишда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 18 декабрдаги ФТА-02-11/1319-сон маълумотномаси). Натижада яратилган тионлаш усуллари Хиназол препаратининг янги ва юқори самарали тиоаналоглари синтез қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 9 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган

илмий нашрларда 4 та мақола республика, 5 та мақола хорижий ва халқаро журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пиримидинтионлар ва уларнинг конденсирланган аналоглари кимёси**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг «**2,3-Три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларнинг кимёвий ўзгаришлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот натижалари келтирилган<sup>2</sup>.


*2,3-Три-, -тетра-, -пентаметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларнинг синтези ва нитроловчи аралашма билан таъсирлашиши*

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот объектлари- 2,3-три-, -тетра-, пентаметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионлар (**4-6**) тегишли кислородли аналоглар- 2,3-три-, -тетра-, пентаметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-онлар (**1-3**) ва фосфорпентасульфидни ( $P_2S_5$ ) эквимоляр аралашмасини м-ксиллда 3 соат (пиридинда 4 соат) давомида қайнатиш натижасида 70-72% унум билан синтез қилинди. **5**-бирикманинг пиридиндаги унуми 83% ни ташкил этади. 1-Расмда **5**- бирикманинг кристалдаги (РТТ - рентген тузилиш таҳлили) тузилиши келтирилган. Таъкидлаш керакки, бошланғич моддалар (**1-3**) нитроловчи аралашма (**НА**,  $HNO_3+H_2SO_4$ ) билан таъсирлашганда жуда юмшоқ шароитда ( $-5^{\circ}-0^{\circ}C$ ) 6-нитроҳосилалар олинган. Мазкур ишларни тионларга (**4-6**) қўллаш ва нитро-маҳсулотларни (**А**) синтез қилиш учун тионларни **НА** билан реакциясини ўргандик. Натижада, трициклик хиназолин-4-тионлар (**4-6**) кислородли аналогларидан (**1-3**) фарқли равишда тегишли нитроҳосилаларни (**А**) ҳосил қилмайди. Бунда 6-

---

<sup>2</sup> Муаллиф ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг бош илмий ходими, кимё фанлари доктори, профессор Х.М. Шахидоятовнинг (1941-2015 йй.) диссертация ишини бажарилишида яқиндан кўрсатган ёрдами учун ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.


ҳолатда электрофил алмашилиш кетмасдан, 4-ҳолатдаги тиокарбонил гуруҳининг карбонил гуруҳигача оксидланиши кузатилди:



Таъкидлаш керакки, оксидланиш маҳсулотлари (1-3) деярли миқдорий унумлар (95-98%) билан ажратиб олинди. Бу трициклик хиназолин-4-тионларни (4-6) нитролаш реакциялари хиназолин-4-онлардан (1-3) фарқли равишда кетишини кўрсатади.

*2,3-Три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларнинг альдегидлар билан конденсацияси*

Маълумки, трициклик хиназолин-4-онлар ва уларни ҳосилаларининг альдегидлар билан конденсацияси кислотали, ишқорий ва нейтрал муҳитларда, эритувчисиз ва турли кутблиликка эга эритувчиларда олиб борилган. Конденсация субстратларнинг  $\alpha$ -ҳолатидаги метилен гуруҳига бориши ва тегишли  $\alpha$ -арилиден- ёки  $\alpha$ -(арил-, -гидроксиметил)- маҳсулотлар ҳосил бўлиши аниқланган. Бирикмалар тури субстрат ва альдегидларнинг тузилишига, реакция ҳарорати ва давомийлигига боғлиқ эканлиги топилган. Биз ушбу реакцияларни хиназолин-4-тионларга (4,5) татбиқ этиш учун уларни турли альдегидлар билан конденсация реакцияларини ўргандик. Реакциялар тионларнинг (4,5) кислородли аналоглари (1,2) билан олиб борилган шароитларда ўтказилди: реагентларнинг эквимольяр аралашмалари муз сирка кислотада 2-4 соат қиздирилди ва тегишли  $\alpha$ -арилиден(фурфурилиден-2)-2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионлар (7-16) олинди (1-жадвал). Ушбу конденсацияда ҳосил бўлиши мумкин бўлган оралиқ маҳсулотлар (B) индивидуал ҳолда ажратиб олинмади. Бирикмаларнинг (7-16)  $^1\text{H}$  ЯМР-спектрлари<sup>3</sup> таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, тиокарбонил гуруҳига нисбатан пери-ҳолатда жойлашган Н-5 ароматик протонларнинг сигнали кучсиз майдонда (8.3-8.7 м.у.) намоён бўлади, бу сигнал тегишли хиназолин-4-онларда 8.0-8.2 м.у. да бўлиши аниқланган:



<sup>3</sup> Муаллиф е.и.х., проф. Н.Д.Абдуллаев раҳбарлигидаги “Тадқиқотларнинг физик усуллари” лабораторияси ходимларига синтез қилинган бирикмаларнинг тузилишини ўрганишда ёрдам берганликлари учун ўз миннатдорлигини билдиради.


$\alpha$ -Арилиден(фурфурилиден-2)-2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларнинг (7-16) физик-кимёвий катталиклари

n/n	Дастлабки моддалар		Реакция маҳсулоти	Унум, %	Суюқ. ҳарорати, С	R <sub>f</sub> (бензол : метанол= 5:1)	Брутто-формула
1	4	Бензальдегид	7	48.3	214	0.89	C <sub>18</sub> H <sub>14</sub> N <sub>2</sub> S
2	4	4-гидрокси-бензальдегид	8	24.5	257-259	0.52	C <sub>18</sub> H <sub>14</sub> N <sub>2</sub> OS
3	4	4-диметиламино-бензальдегид	9	65.7	242	0.87	C <sub>20</sub> H <sub>19</sub> N <sub>3</sub> S
4	4	4-нитро-бензальдегид	10	59.7	288-290	0.88	C <sub>18</sub> H <sub>13</sub> N <sub>3</sub> O <sub>2</sub> S
5	4	фурфурол	11	62.5	250	0.85	C <sub>16</sub> H <sub>12</sub> N <sub>2</sub> OS
6	5	Бензальдегид	12	65	168	0.86	C <sub>19</sub> H <sub>16</sub> N <sub>2</sub> S
7	5	4-гидрокси-бензальдегид	13	65	146	0.82	C <sub>19</sub> H <sub>16</sub> N <sub>2</sub> OS
8	5	4-диметиламино-бензальдегид	14	60	184	0.87	C <sub>21</sub> H <sub>21</sub> N <sub>3</sub> S
9	5	4-нитро-бензальдегид	15	74	208-210	0.88	C <sub>19</sub> H <sub>15</sub> N <sub>3</sub> O <sub>2</sub> S
10	5	фурфурол	16	68	170	0.88	C <sub>17</sub> H <sub>14</sub> N <sub>2</sub> OS


Шунингдек, Н-6 протон сигнали нисбатан кучли майдонда (7.32-7.46 м.у.), Н-7 протон сигнали 7.57-7.79 м.у. да, Н-8 протон сигнали эса 7.36-7.68 м.у. да кўринади. Олефин (=СН-) протони  $\beta$ -СН<sub>2</sub> гуруҳ протонлари билан аллил спин-спин таъсирлашишга эга бўлади ( $J=2.5-2.9$  Гц). Дастлабки бирикмаларнинг  $\beta$ -СН<sub>2</sub> протонларини мультиплет сигнали дублетлар триплети шаклига ўтади (**7**, **8**, **10**, **11**) ва =СНAr(Нет) протони билан спин-спин таъсирлашиш констатаси  $J=2.5-2.9$  Гц, 3.21-3.30 м.у.да намоён бўлади.  $\gamma$ -Ҳолатдаги метилен гуруҳлари протонларининг сигнали эса триплет шаклида 4.37-4.5 м.у. соҳада кўринади.  $\beta$ - ва  $\gamma$ -Метилен гуруҳлари протонларининг триплет шаклида кўриниши,  $\alpha$ -метилен гуруҳи протонининг 3.25 м.у.даги сигнаolini (2Н, триплет) йўқолиши кузатилади. Реакциянинг ушбу йўналишда бориши  $\alpha$ -(4-нитро)бензилиден-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионнинг (**15**) кристал тузилиши РТТ ёрдамида ҳам тасдиқланди (2-расм). Синтез қилинган **12-16**-бирикмаларнинг <sup>1</sup>Н ЯМР-спектрларида ароматик протонларнинг кимёвий силжиши юқорида муҳокама этилган **7-11** – моддаларни кига ўхшаш кўринишда эканлигини кўришимиз мумкин. Уларни ИҚ-спектрида  $\nu_{C=S}$  гуруҳининг валент тебранишлари 1223-1292 см<sup>-1</sup> соҳа оралиғида ютилиш частотасига эга,  $\nu_{C=N}$  гуруҳлари - 1566-1611 см<sup>-1</sup> да,  $\nu_{C-N}$  - 1460-1491 см<sup>-1</sup> да, **10**, **15** бирикмаларнинг  $\nu_{NO_2}$  гуруҳларига тегишли ютилиш частоталари 1508-1509 см<sup>-1</sup> соҳада, **8**, **13** бирикмаларнинг  $\nu_{O-H}$  гуруҳлари эса 3478-3480 см<sup>-1</sup> да намоён бўлади. Шундай қилиб, 2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионларнинг ароматик альдегидлар билан кислотали муҳитда реакцияси  $\alpha$ -арилиден маҳсулотларга олиб келади.

*2,3-Триметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тион ва 2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-онларнинг нитробензальдегидлар билан ишқорий шароитдаги реакцияси*

Реакцияларнинг ишқорий муҳитда олиб борилиши хирал марказли бирикмалар синтезига олиб келиши мумкин. Шунинг учун биз, 2,3-триметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионни (**4**) 96% ли спирт эритмасида *n*-нитробензальдегид билан NaOH иштирокида хона ҳароратида реакциясини олиб бордик. Бунда реагентлар **4**:альдегид:NaOH – 1:1:0.2 нисбатларда олинди. Реакцион аралашма 24 соат қолдирилганда реакция маҳсулоти –  $\alpha$ -(*n*-нитрофенил-, -гидроксиметил)-2,3-триметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тион (**17**) 68% унум билан олинди:



Унинг ИҚ-спектрида OH гуруҳининг валент тебранишлари ( $\nu_{OH}$ ) 3258  $\text{cm}^{-1}$  да, метилен гуруҳлар ( $\nu_{CH_2}$ ) - 2964  $\text{cm}^{-1}$  да, C=N боғи  $\nu_{C=N}$  - 1554  $\text{cm}^{-1}$  да, нитро гуруҳи  $\nu_{NO_2}$  - 1520  $\text{cm}^{-1}$  да, C-N боғи  $\nu_{C-N}$  - 1473  $\text{cm}^{-1}$  да, тиокарбонил гуруҳи (C=S) эса  $\nu_{C=S}$  - 1289  $\text{cm}^{-1}$  соҳада намоён бўлади. Олинган натижаларни **4**-бирикманинг кислородли аналоги (**1**) билан таққослаш мақсадида биз 2,3-триметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-оннинг (**1**) *n*-нитробензальдегид билан реакцияларини NaOH/C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>OH ва Na/CH<sub>3</sub>OH (абс.) шароитда 20-25°C да олиб бордик. Бунда реагентларнинг ўзаро нисбати **1**:альдегид:NaOH – 1:1:0.2 ва **1**:альдегид:CH<sub>3</sub>ONa – 1:1:1 да олиб борилди ва  $\alpha$ -(*n*-нитро)бензилиден-2,3-триметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-он (**18**) ва  $\alpha$ -(*n*-нитрофенил-, -гидроксиметил)-2,3-триметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-онлар (**19**) ҳосил бўлди:




Конденсация реакциялари хона ҳароратида секин кетади. Масалан, NaOH/C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>OH да уч ҳафтадан сўнг маҳсулот унуми 61.3% ни ташкил этади. Реакция натрий метилат иштирокида (Na/CH<sub>3</sub>OH (абс.)) олиб борилганда, уч ҳафтадан кейин маҳсулотлар (**18**, **19**) унуми 80% ни ташкил этди.

Бирикманинг (**19**) тузилиши <sup>1</sup>НЯМР-спектри орқали тўлиқ тасдиқланди. Унинг <sup>1</sup>Н ЯМР-спектрида Н-3',5' ароматик протонлар 8.2 м.у. да (J=8.7) икки протонли дублет, Н-5 протон 8.1 м.у. да дублетлар дублети (дд) бўлиб, спин-спин таъсирлашиш константаси (ССТК) J=1.4 ва J=8.0 га тенг бўлган сигналга эга. Н-7 протон 7.77 м.у. да дублетлар триплети (дт) шаклида (J=1.4, J=7.5), Н-2',6' ароматик протонлар иккипротонли дублет шаклида 7.71 м.у. да (J=8.4), Н-8 протон сигнали 7.64 м.у. да дублет (J=7.5) шаклида, Н-6 протон эса 7.46 м.у. да дублетлар триплети (дт, J=1.4, J=7.1)

шаклида намоён бўлади. Шунингдек, ОН гуруҳнинг бир протонли дублети 5.92 м.у. да ( $J=4.6$ ), (ОН)СН эса 5.46 м.у. да дублетлар дублети (дд,  $J=4.8$ ),  $\gamma$ -СН<sub>2</sub> (а) протон сигнали 3.87-3.90 м.у. да бирпротонли мультиплет,  $\alpha$ -СН протонининг бир протонли дублетлар триплети (дт) 3.64 м.у. да,  $\beta$ -СН<sub>2</sub> (а) гуруҳининг сигнали 2.04-2.11 м.у. да (мультиплет),  $\beta$ -СН<sub>2</sub> (б) гуруҳининг протони эса 1.79-1.86 м.у соҳада мультиплет шаклидаги сигналларини кўришимиз мумкин. Мазкур натижалар **19**-бирикма  $\alpha$ -ҳолатга электрофил бирикиш маҳсулоти эканлигини билдиради.


2,3-Тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-оннинг (**2**) *m*-нитробензальдегид иштирокида реакцияси реагентларнинг – **2**:альдегид: NaOH – 1:1:0.2 нисбатларда спиртда (96%) хона ҳароратида (20-25°C) икки ҳафта қолдирилганда 2,3-триметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-ондан (**1**) фарқли равишда, фақат  $\alpha$ -(*m*-нитробензилиден)-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-он (**20**) 60% унум билан ҳосил бўлди:



3-Расм

Олинган **20** - моддани тузилиши масс-, <sup>1</sup>Н ЯМР-спектрлари ва рентген тузилиш таҳлили (РТТ) асосида ўрганилди (3-расм). Уни молекуляр массаси  $m/z=333$  ни ташкил этди. <sup>1</sup>Н ЯМР-спектрида ароматик ( $H_{Ar}$ ) ва олефин (=СН-) протонлари 8.12-8.33 м.у.да намоён бўлади,  $\delta$ -СН<sub>2</sub> кимёвий силжиши 4.13 м.у. да триплет ( $J=5.9$ ),  $\beta$ -СН<sub>2</sub> гуруҳи 2.90 м.у. да икки протонли дублетлар триплети (дт) ( $J=6.7$ ),  $\gamma$ -СН<sub>2</sub> гуруҳи эса 1.98-2.04 м.у.да мультиплет шаклида кўринади. Унга асосан, **20**-бирикма -  $\alpha$ -арилиден ҳосила, яъни электрофил бирикиш – элиминация маҳсулоти эканлиги исботланди.


2,3-Тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-оннинг (**2**) *n*-нитробензальдегид билан реакцияларини реагентларнинг – **2**:альдегид:NaOH – 1:1:0.2 нисбатларда, турли ҳароратда (-10°C+20°C; 5°C+6°C; 20°C+25°C; 78°C) 24 соат давомида олиб борилганда тегишли  $\alpha$ -(*n*-нитробензилиден)-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-он (**21**) ва  $\alpha$ -(*n*-нитрофенил-, -гидрокси-симетил)-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-онларнинг (**22**) аралашмаси ҳосил бўлди. Реакцияни хона ҳароратида (20-25°C) олиб борилганда 62.5 % унум билан маҳсулот олинди. Маълумки, реакция вақтида ҳосил бўладиган **22**-маҳсулот икки жуфт энантиомерлар ҳолида бўлиши мумкин. Ҳосил бўлган моддалар бензол ва этилацетатдан қайта кристаллаб тозалангач **21**-бирикманинг унуми 6.1 % ни, **22**-бирикманики эса 56.4 % ни ташкил этди:




Таъкидлаш керакки, реакция ҳарорати ва давомийлигини ўзгариши ҳосил бўладиган бирикмаларнинг (**21**, **22**) унумига сезиларли таъсир этади. Масалан, ҳарорат  $-10^{\circ}\text{C}$  гача пасайтирилиши асосан **22**-бирикма ҳосил бўлишига олиб келади, лекин маҳсулот унуми анча паст бўлади. Ҳароратнинг кўтарилиши  $\alpha$ -арилиден ҳосиланинг (**21**) унуми ошишига сабаб бўлади, реакция спиртнинг қайнаш ҳароратида ўтказилганда фақат **21**-бирикма (78%) ҳосил бўлади. Бирикманинг (**22**)  $^1\text{H}$  ЯМР спектрини батафсил ўрганиш ва масс-спектри натижаси ( $m/z=351$ ) асосида унинг тузилиши тўлиқ тасдиқланди.

### 2,3-Триметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионнинг бром билан реакциялари

Маълумки, трициклик хиназолинлар, хиназолин-4-онлар ва уларнинг ҳосилалари бром билан муз сирка кислотада таъсирлашиб тегишли пербромидларни ҳосил қилади. Тадқиқотларни давом эттириб, 2,3-триметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионни (**4**) молекуляр бром билан реагентларнинг  $4:\text{Br}_2 - 1:2$  нисбатларида сувсиз хлороформда  $0-5^{\circ}\text{C}$  да реакциясини ўргандик; бунда икки хил резонанс шаклда мавжуд бўлиши мумкин бўлган пербромид (**23a,b**) олинди:



Синтез қилинган пербромиднинг (**23**) ИҚ-спектрида  $\text{C}=\text{N}$  гуруҳининг валент тебранишлари  $1650\text{ cm}^{-1}$  да намоён бўлади,  $\text{C}=\text{S}$  гуруҳи эса  $1286\text{ cm}^{-1}$  соҳада кўринади. Айтиб лозимки, дастлабки бирикма (**4**) да  $\nu_{\text{C}=\text{N}}$   $1584\text{ cm}^{-1}$  да,  $\nu_{\text{C}=\text{S}}$   $1293\text{ cm}^{-1}$  да ютилади. Бу ҳосил бўлган бирикмада  $\text{Br}_3^-$  анионининг асосан  $\text{C}=\text{N}$  фрагменти валент тебранишига таъсир этишини кўрсатади. Пербромидларни ацетон билан ишлаш натижасида ацетоннинг бромланиши ва тегишли оқ чўкма - гидробромид (**24a,b**) ҳосил бўлиши кузатилди. Пербромид **23** 5% ли натрий бикарбонатнинг сувли эритмаси таъсирида бромли комплексга (**25**) айланади. Бирикманинг (**25**) ИҚ-спектрида  $\nu_{\text{C}=\text{N}}$  боғи валент тебраниши  $1624\text{ cm}^{-1}$  да,  $\nu_{\text{C}=\text{S}}$  эса  $1295\text{ cm}^{-1}$  соҳада намоён бўлади:



Гидробромид (**24**) 25% ли сувли аммиак таъсирида деярли миқдорий унум (97%) билан тионга (**4**) ўтади. Шундай қилиб, 2,3-триметилен-3,4-

дигидрохиназолин-4-тионнинг (4) бром билан таъсирлашиши трициклик хиназолин-4-онларга ўхшаш боради ва тегишли пербромидларни ҳосил қилади (2-жадвал).

2-Жадвал

2,3-Триметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионнинг пербромиди, гидробромиди ва бромли комплексининг (4, 23-25) унуми ва баъзи катталиклари.


Бошланғич модда	Олинган бирикма	Брутто-формула	Суюқ. ҳарорати, °С	Унуми, %
4	23	C <sub>11</sub> H <sub>11</sub> N <sub>2</sub> Br <sub>3</sub> S	108	90
23	24	C <sub>11</sub> H <sub>11</sub> N <sub>2</sub> BrS	278-280	71
23	25	C <sub>11</sub> H <sub>10</sub> N <sub>2</sub> Br <sub>2</sub> S	140	74
24	4	C <sub>11</sub> H <sub>10</sub> N <sub>2</sub> S	140-142	97*

\*Тегишли гидробромид (24) ва аммиакнинг ўзаро таъсиридан олинган 4-бирикманинг унуми.

Бромли комплекси 25 донор-акцептор туридаги комплексларга киритиш мумкин. Унинг ҳосил бўлишида азот атомининг n-бўлинмаган электрон жуфти ва бром атомининг δ-бўшаштирувчи орбитали иштирок этади. Бунда nδ (>N·Br<sub>2</sub>) комплекси ҳосил бўлади.

*2,3-Триметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионнинг гидразин гидрат билан реакцияси*

Маълумки, тиокарбонил гуруҳи карбонил гуруҳига нисбатан нуклеофил реагентлар билан осонроқ реакцияга киришади, бу эса турли ҳосилалар синтезига олиб келади. Трициклик хиназолин-4-тионларнинг (4, 5) 80% ли гидразин гидрат билан реакцияси турли (эритувчи, реагентлар нисбати, вақт) шароитларда олиб борилди. Айтиш лозимки, хиназолин-4-онларда мазкур реакцияларни амалга оширишнинг имкони йўқ. Реакциялар натижасида муҳим интермедиатлар - (E)-4-гидразоно-2,3-три-, -тетраметилен-3,4-дигидрохиназолинлар (26, 27) синтез қилинди:




Бу интермедиатлар кейинги тадқиқотларимиз учун жуда муҳим бўлганлиги учун тажрибаларни 26-бирикма синтези мисолида муқобиллаштирдик. Бунда реакциялар эритувчилар - этил спирти ва пиридинда, ёки эритувчисиз муҳитда, 20°C-115°C ҳароратда ҳамда 5-48 соат давомида олиб борилди. Натижалар шуни кўрсатадики, реакция эритувчисиз ёки этил спиртида олиб борилганда маҳсулот унуми паст бўлиб фақат 15-30%ни ташкил этади. Энг яхши натижага реакция пиридинда 4 соат қайнатиб олиб борилганда эришилди, яъни бунда реакция қисқа вақт ичида юқори унум (88%) билан тегишли (E)-4-гидразоно-2,3-триметилен-3,4-дигидрохиназолин (26) ҳосил бўлишига олиб келди (4-Расм).




*α-Формил-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-он ва -тионнинг  
синтези ва кимёвий ўзгаришлари*

Маълумки, 2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-он (2) Вильсмейер-Хаак реагенти ( $\text{POCl}_3$ -ДМФА) ёрдамида формилланганда фақат  $\alpha$ -формил-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-онни (28) ҳосил қилади. Биз 2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тионни (5) формиллаш реакциясини олиб борганимизда  $\alpha$ -гидроксиметилиден-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тион (29) ҳосил бўлишини аниқладик:




ИҚ-,  $^1\text{H}$ ЯМР-спектроскопия натижалари ҳосил бўлган бирикма ичкимолекуляр водород боғи ҳисобига барқарор енол шаклда мавжуд бўлишини тасдиқлади. Хусусан, бу модданинг ИҚ-спектрида  $\nu_{\text{C}=\text{S}}$  гуруҳининг валент тебранишлари  $1283\text{ см}^{-1}$  да,  $\nu_{\text{C}=\text{N}}$  гуруҳи -  $1563\text{ см}^{-1}$  да,  $\nu_{\text{C}-\text{N}}$  гуруҳи -  $1488\text{ см}^{-1}$  да, гидроксил гуруҳи ( $\nu_{\text{O}-\text{H}}$ ) -  $3435\text{ см}^{-1}$  да кўринади. Унинг  $^1\text{H}$  ЯМР спектрида ОН гуруҳининг бир протонли синглети 14.7 м.у. да,  $\delta$ -ҳолатдаги метилен гуруҳи протонлари 3.83 м.у.да (триплет),  $\beta$ - ҳолатдаги протонлар- 2.48 м.у. (триплет),  $\gamma$ -ҳолатдаги протонлар эса 1.91 м.у. да (мультиплет) намоён бўлади; олефин протони ( $=\text{CH}$ ) 8.76 м.у. да (синглет), ароматик протонлар 7.11-8.03 м.у.да кимёвий силжишга эга бўлади. Олинган 29-модданинг анилин билан нуклеофил алмашиниш реакциялари ўрганилди ва уни кислородли аналогларига нисбатан қийинроқ ва узокроқ вақтда кетиши кузатилди. Реакциялар 29:анилин – 1:9 нисбатда  $60\text{-}65^\circ\text{C}$  да 8 соат давомида қиздириб олиб борилди ва 73% унум билан  $\alpha$ -анилинометилиден-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тион (30) синтез қилинди.

Бирикмалар (28, 29) ортикча  $\text{SOCl}_2$  билан таъсирлашиб гидроксил гуруҳининг хлор атомига нуклеофил алмашиниши содир бўлади ва  $\alpha$ -хлорметилиден-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-он (31) ва  $\alpha$ -хлорметилиден-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тион (32) ҳосил бўлади. Бунда  $\alpha$ -хлорметилиден ҳосилалар 70-98% унум билан ҳосил бўлади:



Бу бирикмаларни барқарор шаклда олиш учун, уларнинг (28, 29)  $\text{SOCl}_2$  билан эквимоляр миқдорларини абсолют бензол ёки хлороформдаги реакцияларини амалга оширдик ва тегишли хлоргидратларни (33, 34) яхши унумлар билан синтез қилдик. Олинган  $\alpha$ -хлорметилиден-ҳосилаларнинг (31, 32) хлор атомлари ҳаракатчанлигидан келиб чиққан ҳолда уларнинг  $\text{NaHSe}$  билан ўзаро таъсири ўрганилди ва тегишли  $\alpha$ -гидроселенилметилиден-2,3-


тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-он (**35**) ва  $\alpha$ -гидроселенилметиленден-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-тион (**36**) олинди:




Олинган бирикмалар (**35**, **36**) таркибида селен (Se) атоми сақловчи *Mackinlaya Subulata Philipson* ўсимлигидан ажратиб олинган алкалоидларнинг тионалоглари қаторида биринчи вакил ҳисобланади. Шунингдек, гидроселенил гуруҳи сақловчи бирикмаларнинг баъзи бир кимёвий ўзгаришларини ўрганиш катта қизиқиш уйғотади.

*$\alpha$ -Гидроселенилметиленден-2,3-тетраметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-онни алкиллаш ва ациллаш реакциялари*

**35** – Бирикма ўзининг  $\alpha$ -гидроксиметиленден аналоги (**29**) сингари бир неча таутомер шаклда (**35a**, **35b**) бўлиши мумкин:



